

БАХТЛИ ИНСОН

Илм-фан оламида одамлар бор – ишига, касбига фидойи. Одамлар бор – рекламага фидойи. Биринчи тоифа инсонлар уз соҳасини камолотига ҳисса қўшувчи, тараққиётига стақлагувчи ва бу йўлда бир маромда ишлайдиган меҳнатқаш, камтар-камсуқум моторларга ўхшаса, иккинчи тоифадагилар мушакбозларга қиёс бўлгулик: «пақ-пук» ярақлаб диққатни тортишга, узига эътиборни жалб этишга ошнолар. Жалб этакдилар ҳам! Бирок... кейин улардан ўша умри қисқа «пақ-пук» қолади, холос...

Филология фанлари доктори, профессор Ёрмат Тожиев, шубҳасиз, биринчи тоифадаги инсонлар сирасидан эди!

2022 йилнинг бошларида «Ўзбекистон» телеканали орқали эфирга узатилган ярим соатдан ортиқ суҳбатни тинглаб, маъза қилиб тинглаб ўтириб, ярим асрдан ортиқ даврдаги қўп илиқ ва жўшқин хотиралар қўз ўнгимда гузал суратлардек намоён бўлди. Домла Ёрмат Тожиев билан бўлаётган интервью ўша хотираларни жонлантирар, илм-фан, хусусан олий таълимдаги муаммолар аниқ сиймолар, шахслар, жонфидо ҳақиқий олимлар фаолияти билан бугунги даврни қиёсан зўққо таҳлил қилиб берилаётган эди...

Мен эса уларни, Ёрмат домла тилга олаётган улўг домларни қўрганман, сабоқ олганман, талабаларни ўзига ром этиб қўядиган, баъзиси жозибали, баъзиси фалсафий, бошқа бири чўқур маънавий-ахлоқий руҳга йўғрилган маърузаларини тинглаганмиз. Олтмишинчи йиллар студентлари.

Ҳа, «талаба» атамаси кейин истеъмолга кирган, у даврда фақат «студент» эди. Студентлик—олтин даврим. Ана ўша улўг домлалар билан ҳақиқатан ҳам ҳақиқий олтин давр эди.

Қизиги шундаки, экранда домла меҳр ва эҳтиром билан эслаётган тилшунос Аюб Ғуломовни мен, гарчи тилшунос олим бўлмасам-да, шундоқ ҳам баъзан-баъзан эслаб тураман. Орадан ярим асрдан ортиқ вақт ўтса-да, нега эслайман –

билмайман. Рул бошқариб кетаётиб, ўзидан ўзи басавлат, янги қора костюм-шим ва галстукда, оқ-сарик гўзал чехрали домланинг аудиторияда қулида бўр билан қора доска олдида тик туриб студентларга ёнбош ўгирилганча ўзгача завқ билан «Фоилотун, фоилотун, фоилун!» деб... «қуйлашлари» кўз олдимда гавдаланади ва мен ўша «қушиқ»ни хаёлан такрорлайман...

Профессор Аюб Ғуломов лекция ўқимасди, қуйларди. У киши шунчалик севарди касбини, соҳасини... Ёрмат домла интервьюда ўша улуг устозини эсларди...

Ёки ҳақиқатларвар, яъники, ватанларвар тилшунос домла Фароғат Убаева ҳам ўзига хос олим, жасоратли шахс эди. Виждонли олим жасоратли бўлади. Опа, биринчи курсда бир-икки ой ўқиганимиздан кейин талабаларга мактаб болаларига ўхшаб диктант ёздирди. Кейинги дарсда унинг натижалари эълон қилинапти: еттита «яхши» баҳо, ўн учта «қоникарли», йигирмата «икки».

Фароғат опа овоз чиқариб эълон қилаяпти: «Еттита «тўрт» университетга ўқишга ўт кучи билан кирган, ўн учта «уч» элликка эллик, йигирмата «икки» ё зарнинг ё зўрнинг кучи билан киргансизлар. Сизлар ўқиёлмайсизлар, филологияда!»

Юқорида нега «овоз чиқариб» деб ёздим? Чунки, ўша даврда бунақа гапни овоз чиқариб гапириб бўлмасди, бунинг учун қағзага жасорат керак эди. Опа эса гапирди, гапира олди.

Домла Ёрмат Тожиев интервьюда яна соҳа улуглари каторида Озод Шарафиддиновни чуқур эҳтиром билан тилга олдилар, у кишига шогирд бўлганлари, водийга сафарларда ҳамроҳлик қилганлари, Озод ака сафарда ҳам ҳар китоб дўкони олдида тўхтаб, қайтгунларича машина юкхонаси китобларга тулиб кетганини, улардан айримларини «мана бу китобларни олиб қўй, сенга, албатта, керак», деб совға қилганларини эсладилар...

Мен эса бу суҳбатни қимир этмай тингларканман, домла Ёрмат Тожиев – урта буй, хилча, қорачадан келган, жингалак-

симон соч остида кўзлари чакнаб турган ёшгина йигит—«янгидомла»нинг енгил қадам ташлаб аудиторияга кириб келганини эсладим. Ўзимиздан — студентлардан салгина ёши катта йигитнинг «домла» экани, филология фанлари кандидати экани хавасимизни келтирган эди. Бунинг устига, дарс утишининг зукколиги...

Яъни, Ёрмат домла экрандаги суҳбатда хурмат-эҳтиром билан тилга олган улуг авлод тилшунослари сафига келиб қўшилган муносиб ёш авлод вакили эдики, бунинг кейинги ярим асрдан ортиқ фаолиятда исботладилар, тасдиқладилар.

Филология фанлари доктори, профессор Ёрмат домланинг ўз касбининг захматкаши, фидойиси экани, у кишининг деярли олтмиш йил мобайнида Ўзбек давлат Миллий университетини—булажак тилшунос талабаларни тарқатмагани, унлаб тилшунос олимларга бевосита устозлик қилганлари, юзлаб илмий мақола ва монографиялар муаллифи экани билан исботланади.

Такдир тақозоси билан домла саксонни қоралаб қолганларида бир дастурхон атрофида ўтириб, ҳамсуҳбат бўлиш насиб этди. Орадан эллик йилдан ортиқ вақт ўтибди. Ажабки, муддат домланинг жисмига табиий ўзгариш киритгани билан руҳга ўзгартириш киритолмаган — ўша-ўша бардам, тетик, ҳаётбахш руҳ у кишини тарқатмаган эди. Ҳаётсевар руҳ, касбига садоқат руҳи. Исбот: домла салкам саксон тўрт ёшда ҳам Миллий Университетда талабаларга дарс беришни давом эттириш баробарида Гулистон Давлат Университетига ҳам қатнаб лекция ўқиб келар эдилар...

Албатта, кекса ёшда ҳам руҳ тетиклиги — оила бахти билан ҳамоҳанг ҳодиса. Ёрмат ака ўғил-қизларни вояга етказиб, олий маълумотли, эл-юрт қорига ярайдиган, жамиятда ўз ўрнини топганлар қаторига қўшган эъзозли ота, файзиёб оила бошлиғи, бир этак невараларнинг суюкли бобоси ҳам эдилар. Кейинги йилларда домланинг кўп дилкаш, пурмаъно суҳбатларида бўлди.

Афсус, ҳаёт экан, кунлар сал исиганда дала ховлига ташриф ваъда қилинган эди, дастурхоннинг бир чеккаси бўш қолди... Ёрмат домла юриб туриб, бир эмас, иккита дорилфунунда лекция ўқиб юриб, орамиздан кетдилар.

Аслида, бу ҳолат ҳам бахтли одамга хос шекилли...

PS: Одатда, эл назаридаги улуг шахслар вафот этганда, уларнинг ҳаёти ва ижоди ҳақида катта-кичик махсус курсатувлар намойиш этилади. Мақоланинг бошида таъкидлаганимиздек, камтар, заҳматкаш олим Ёрмат Тожиёв унақа тоифа «номенклатура»га кирмас эдилар. Бироқ... Домла сунгги йўлга қузатилган кунда, яъни 2022 йил 31 январда «Ўзбекистон» телесканалининг кечки дастурида профессор Ёрмат Тожиёвнинг бутун илмий-ижодий салоҳиятининг «қаймоғи» бўлган, 2-3 ой илгари эфирга узатилган интервью-курсатув намойиш этилди. Агар бу курсатув ижодкорлар томонидан домланинг вафотини эшитиб, шу муносабат билан намойиш қилинган бўлса офарин, ташаккур! Агар, такрор эфир олдиндан режалаштирилган бўлиб, шу кунга келиб қолган бўлса – Олlohнинг хоҳиши..

*Ҳабибулло ОЛИМЖОНОВ,
Ўзбекистон Журналистлар ва
Ўзувчилар уюшмалари аъзоси, юрист*